



FARG'ONA VILOYATI QO'SHTEPA TUMAN HOKIMINING QARORI

150 -son

"03" Mart 2021 yil

Туман захирасидаги ер майдонларида фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ер майдонлари ажратиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 август кунги 501-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда туманда ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида, Халқ Депутатлари Қўштепа туман кенгашининг 2021 йил 26 февраль кунги 196/33-VI-сонли "Тумандаги ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш баёнларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасини инобатга олган ҳолда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6,10-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ Депутатлари Қўштепа туман кенгашининг 2021 йил 26 февраль кунги 196/33-VI-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. Туман захирасидаги Бахт Пахтакор Гармдон ММТП худудининг 4, 7, 8, 11, 12, 22, 23, 24, 25, 25а, 26, 2, 13, 20-контурлардаги жами 112,12 гектар, шундан 107,06 гектар экин майдони, 0,03 гектар тутзор, 0,03 гектар ихота дарахтзорлари, 4,95 гектар ариқ ва зовурлар ўрни, бошқа ерлар 0,05 гектар ер майдонлари танловда ғолиб чиққан фуқаро Тожибоев Саидабдор Бахромовичга пахта-ғаллачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун 49 (қирқ тўққиз) йил муддатга ижара шартномаси асосида белгиланган тартибда ажратиб берилсин.
3. Кадастр агентлиги Қўштепа тумани бўлими (Р.Ахмадалиев)га:
 - фуқарога ерни ўлчаб бериш;
 - янги ташкил этилаётган фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер майдонларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш;
 - ер ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифалари топширилсин.
4. Фуқаро Тожибоев Саидабдор Бахромовичга
 - ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, самарали ва оқилона фойдаланиш;
 - пахта-ғаллачилик йўналишида фаолият юритиш;
 - сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш;
 - биринчи ўринда ёшларни иш билан таъминлаш каби устувор вазифалар юклатилсин.
5. Янгидан ташкил қилинган фермер хўжалигига техника хизмати кўрсатишда, минерал ўғитлар, ёкилғи, уруғлик етказиб бериш ва фермер хўжалиги фаолиятини юритишда ҳар томонлама ёрдам бериш, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда тегишли уюшма ва ташкилотлар зиммасига юклатилсин.
6. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Ўринов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

И.Новиков